

**МАХСУС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_**

\_\_\_\_\_ шаҳри

20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ аудиторлик ташкилоти (кейинги ўринларда "Иш бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ бир томондан ва "EXPRESS-XIZMAT" маъсуляти чекланган жамияти(кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директори \_\_\_\_\_ иккинчи томондан \_\_\_\_\_ қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ "Иш бажарувчи" "Буюртмачи"нинг топшириғига асосан корхонанинг 2021 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва аудиторлик хулосасини бериш бўйича аудиторлик хизматларини кўрсатади. "Буюртмачи" эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Текширув "Буюртмачи" томонидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар ва ИС бухгалтерия дастурига киритилган маълумотлари асосида амалга оширилади. Аудиторлик текшируви 2021 йил учун шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун давомида амалга оширилади. 2021 йил бўйича якуний текширув - йиллик молиявий ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган муддати асосида тақдим этилгандан сўнг 30 кун давомида амалга оширилади. "Буюртмачи" йиллик ҳисоботлар солиқ ва статистика органларига топшириб бўлингандан сўнг "Иш бажарувчи"ни бу ҳақда хабардор қилади.

**2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_ сўм, "Буюртмачи" олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг \_\_\_\_\_ фоизини \_\_\_\_\_ сўм миқдоридан тўлайди.

2.2. Бажарилган ишлар учун тўлов "Буюртмачи" томонидан икки босқичда амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

- а) мазкур шартномага асосан ўтказилган текшириш натижалари юзасидан аудитор хулосасини олиш;
- б) бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби тўғрисида ҳамда аниқланган тузатиш юзасидан "Иш бажарувчи"дан маслаҳатлар ва тавсиялар олиш.

3.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- а) "Иш бажарувчи"нинг талабига кўра оператив бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотлар ва бошқа зарурий ҳужжатларни тақдим этиш;
- б) аудиторлар ишлаши учун алоҳида хоналар, концеварлар ажратиш;
- в) зарур ҳолларда моддий жавобгар шахслар ва ўз мутахассисларини аудиторлик текширувида иштирок этишини таъминлаш;
- г) аудит текшируви давридаги аниқланган бухгалтерия ҳисоби юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузиш қоидаларини ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш тартибидаги камчиликларни бартараф этиш;
- д) кўрсатилган хизмат ҳақини ушбу шартнома шартлари асосида белгиланган муддатида тўлаб бериш.

3.3. "Иш бажарувчи"нинг ҳуқуқлари:

- а) аудиторлик текширув ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш.
- б) аудиторлик текширув ўтказиш учун "Буюртмачи" амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш.
- в) Зарурият туғилганда қўшимча маълумотларни олиш.
- г) аудиторлик текширувини якунлашда "Буюртмачи" билан барча ҳисоботларни муҳокама қилиш.

3.4. "Иш бажарувчи"нинг мажбуриятлари:

- а) "Буюртмачи"нинг ички меҳнат тартиби қоидаларига амал қилиш;
- б) хизматлар кўрсатишда қонуний объектив усуллар ва воситаларни қўллаш, ўз аудиторлик ҳисоботида хулосаларни ҳужжатли тартибда мустаҳкамлаш;
- в) аудиторлик текшируви давридаги "Буюртмачи"нинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ташқи фойдаланувчиларга ошкор этмаслик;
- д) "Буюртмачи"нинг сўровларига асосан аудит текширувини ўтказиш чоғида қонун ҳужжатларини талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосаланган қонун ҳужжатлари нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;
- е) Кўрсатилган хизматларда «Буюртмачи» томонидан камчиликлар аниқланса, аниқланган камчиликларни 10 кунлик муддатда текинга бартараф этиш;
- ж) "Иш бажарувчи" текшириш ўтказилган даврни назорат қилувчи органлар томонидан текширилганда тўлиқ қатнашади ва "Буюртмачи" манфаатларини шартнома доирасида тузилган аудиторлик ҳисоботи бўйича ҳимоя қилади.

#### **4. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. “Иш бажарувчи” ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

4.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг “Иш бажарувчи” “Буюртмачи”га кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, с/чет фактурани тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

4.1. “Буюртмачи” ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, “Иш бажарувчи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда, лекин шартнома суммасини 50% дан ошмаган миқдорда жарима тулайди.

4.2. Агар бажарилган ишлар ёки хизматлар сифати, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Иш бажарувчи”дан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. “Иш бажарувчи” ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда, лекин шартнома суммасини 50% дан ошмаган миқдорда жарима тулайди.

4.4. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” ҳамда “Хужалик юритувчи субъектларни фаолиятини шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинадиган қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.5. Шартнома шартларини бажаришда форс-Мажор вазиятлари юзага келганда томонлар ўзаро мажбуриятлардан озод этилади.

#### **6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, ҳал этилади.

5.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди ва имзоланди. Биринчиси «Буюртмачи»да, иккинчиси “Иш бажарувчи”да сақланади.

#### **7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Ушбу шартнома икки томон имзолаган кундан бошлаб, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

#### **8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ**

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»